

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

8 декабрь 2018 й.г. № 997

Toshkent sh.

**Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги
халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тӯғрисида**

Республика халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш, халқаро алоқаларни ўрнатиш, ўқувчи-ёшларнинг илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини, энг аввало, ёш авлоднинг ижодий ғоялари ва ижодкорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда Таълим инспекцияси деб аталади), Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг:

а) қўйидаги халқаро баҳолаш дастурлари бўйича халқаро тадқиқотларни (кейинги ўринларда халқаро тадқиқотлар деб аталади) ташкил этиш:

Progress in International Reading and Literacy Study (PIRLS) – бошланғич 4-синф ўқувчиларининг матнни ўқиш ва тушуниш даражасини баҳолаш учун;

Trends in International Mathematics and Science Study (TIMSS) – 4 ва 8-синф ўқувчиларининг математика ва табиий йўналишдаги фанлардан ўзлаштириш даражасини баҳолаш учун;

The Programme for International Student Assessment (PISA) – 15 ёшли ўқувчиларнинг ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан саводхонлик даражасини баҳолаш учун;

The Teaching and Learning International Survey (TALIS) – раҳбар ва педагог кадрларнинг умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитиш ва таълим олиш мухитини ҳамда ўқитувчиларнинг иш шароитларини ўрганиш учун;

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси хузурида Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий марказини (кейинги ўринларда Миллий марказ деб аталади) ташкил этиш тӯғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Миллий марказнинг асосий вазифалари ва фаолиятининг йўналишлари этиб қўйидагилар белгилансин:

халқаро тадқиқотларни ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштиришда Ўзбекистон Республикасининг вакили сифатида иштирок этиш;

таълим тизимида ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан саводхонлик даражасини ривожлантиришнинг инновацион методларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга йўналтирилган илмий изланишлар олиб бориш;

таълим сифатини баҳолаш соҳасида халқаро алоқаларни ўрнатиш, халқаро лойихаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, халқаро илмий анжуманлар ва симпозиумларни ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этиш;

таълим сифатини баҳолаш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўтказиш;

таълим сифатини баҳолаш бўйича тадқиқотларни илмий ва услубий жиҳатдан қўллаб-кувватлаш;

умумий ўрта таълим муассасаларининг халқаро тадқиқотларда муваффақиятли иштирок этишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро баҳолаш дастурларида қайд этган натижаларини бошқа давлатлар натижалари билан қиёсий таққослаш;

халқаро баҳолаш дастурларини таълим жараёнига жорий этиш бўйича тизими мониторинг олиб бориш, ушбу соҳадаги илғор тажрибани оммалаштириш ва унинг асосида таълим муассасалари учун тавсиялар ва қўлланмалар ишлаб чиқиша иштирок этиш;

ўқитишининг инновацион усулларидан фойдаланган ҳолда ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлар бўйича педагог кадрларининг малакасини ошириш бўйича ўқув-услубий тавсиялар тайёрлаш.

3. Куйидагилар:

Халқаро тадқиқотларда Ўзбекистон Республикасининг иштирок этишига тайёргарлик кўриш бўйича “йўл харитаси” 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси хузуридаги Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий марказининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Таълим инспекцияси бошлиғига, зарур ҳолларда, Миллий марказ тузилмасига ходимларнинг умумий чекланган сони ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Миллий марказ давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, ўз уставига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилик бўлинмасидаги шахсий ғазна ҳисоб рақамига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва номи кўрсатилган муҳрга, ўз номи ёзилган штампга, бланкаларга эга бўлади;

Миллий марказ ходимларига Таълим инспекциясининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари қўлланилади;

Миллий марказ директори халқаро тадқиқотларнинг миллий лойиха менежери ҳисобланади.

5. Миллий марказни молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб қуидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;
юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
халқаро донор ташкилотларининг грантлари;
хизмат кўрсатишдан тушган даромадлар;
қонун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Таълим инспекцияси бир ой муддатда:

Миллий марказнинг уставини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш ва уни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш;

Миллий марказни таълим сифатини назорат қилиш соҳасида амалий-методик иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассислар, шунингдек илмий-педагогик стажга эга ходимлар билан таъминлаш чораларини кўрсинг.

7. Миллий марказ Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Нурхон кўчаси, 21-й манзилидаги бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи билан жойлаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига:

бир ой муддатда худудлардаги умумий ўрта таълим муассасалари ва ўқувчилар сонидан келиб чиқсан ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ҳамда туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг малакали мутахассисларидан халқаро тадқиқотларни амалга ошириш жараёнига масъул ходимларни тайинлаш;

2019 йил 1 февралга қадар Миллий марказ билан биргаликда ўқувчиларнинг қобилият ва иқтидорларини умумий ўрта таълим муассасаларининг 1-синфидан бошлаб аниқлаш ва ривожлантириш, ўқувчиларнинг саводхонлигини баҳолаш бўйича халқаро баҳолаш дастурлари ва танловларида иштирок этишини таъминлаш дастурини ишлаб чиқиш;

халқаро тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда ўқиши, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан ўқув дастурлари ҳамда ўқув адабиётлари мазмунига ўзgartириш ва қўшимчалар киритиш;

халқаро тадқиқотларнинг баҳолаш дастурлари йўналишларидаги саволлар миллий базасини яратиш ва ўқув дастурларига интеграция қилиш;

ўқувчилар саводхонлигини баҳолашнинг миллий тизимини такомиллаштириш ва 2019–2021 йилларда амалий кўникмаларини шакллантирилишини баҳолашга қаратилган синовларни тизимли равишда ўтказиб бориш;

халқаро тадқиқотларнинг баҳолаш дастурлари йўналишларидаги саволларни ўзида мужассам этган ўқув дастурлари асосида қўшимча методик қўлланма ва адабиётлар яратиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳар ҳамда ҳар бир туман (шаҳар)да халқаро тадқиқотларни амалга оширишга йўналтирилган таянч мактабларни белгилаш;

умумий ўрта таълим муассасаларидаги иқтидорли педагог кадрларни халқаро баҳолаш дастурлари бўйича илмий тадқиқотларга жалб қилиш;

умумий ўрта таълим муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан жиҳозланганлик ва Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланганлик ҳолатини инвентаризация қилиш ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф қилиш чораларини кўриш;

ўкувчиларнинг саводхонлигини баҳолаш бўйича халқаро баҳолаш дастурлари ва танловларида муносиб иштирок этишни таъминлаш мақсадида вазирликнинг таркибий бўлинмалари (Республика таълим маркази, Ўкувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психолого-педагогик Республика ташхис маркази) имкониятларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, заруриятдан келиб чиқиб, тегишли бўлимларининг функцияларини қайта кўриб чиқиш вазифалари юклатилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига:

халқаро тадқиқотлар ўтказиладиган ўқиши, математика ва табиий йўналишдаги фанлар бўйича мутахассислар тайёрловчи олий таълим муассасалари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш худудий минтақавий ва тармоқ марказларининг ўқув дастурларига халқаро тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб бориш;

халқаро тадқиқотлар дастурларининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, давлат илмий-техника дастурлари доирасида лойиҳалар тайёрлаш ва амалга ошириш вазифалари юклатилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Миллий марказнинг мурожаатига асосан уни белгиланган тартибда зарур алоқа воситалари, шу жумладан ҳукumat алоқа воситалари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги бир ҳафта муддатда PISA ва TALIS халқаро тадқиқотларида Ўзбекистон Республикасининг иштирок этиши юзасидан Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти билан ҳамкорлик шартномаларининг имзоланишини ташкил этсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси халқаро тадқиқотларда иштирок этиш учун халқаро молия институтлари ва чет эл ҳукumatлари молиявий ташкилотлари кредитларини жалб этиш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Миллий марказни сақлаш ҳамда халқаро тадқиқотларда иштирок этиш учун аъзолик бадалларини тўлаш билан боғлиқ харажатларга зарур бўлган маблағларни 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида ажратсин, 2019 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрларида назарда тутсин;

икки ой муддатда Миллий марказнинг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ унинг моддий-техника базасини шакллантириш, шунингдек, зарур бўлган жиҳозлар ва ахборот-коммуникация технологияларини харид қилиш учун маблағлар ажратилишини таъминласин;

Миллий марказга иккита енгил хизмат, шу жумладан битта персонал автотранспорт воситасини сақлаш учун лимит ажратсин.

14. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига халқаро тадқиқотларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

15. Таълим инспекцияси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргалиқда бир ой муддатда улар қабул қилган норматив-ҳукукий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринbosари А.А. Абдухакимов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи У.Н. Ташкенбаев ва Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири III.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 8 декабрдаги
997-сон қарорига
1-илова

**Халқаро баҳолаш дастурлари бўйича халқаро тадқиқотларда Ўзбекистон Республикасининг
иштирок этишига тайёргарлик кўриш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижро чилар
I. Ташкилий тадбирлар				
1.	Халқаро тадқиқотларда иштирок этиш ва унга тайёргарлик кўриш мақсадида Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки ва бошқа халқаро донор ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиши.	Ҳамкорлик шартномаларини имзолаш.	2018 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Халқ таълими вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ташки ишлар вазирлиги
2.	Халқаро тадқиқотларга муносаб тайёргарлик кўриш мақсадида Россия Федерацияси ва Козоғистон Республикасининг иш тажрибаларини ўрганиш.	1. Россия Федерацияси ва Козоғистон Республикасига тажриба алмашиб учун хизмат сафарини ташкил этиш; 2. Россия Федерацияси ва Козоғистон Республикасидан экспертларни таклиф қилиш ҳамда улар иштирокида семинар-тренинглар ўтказиш.	2018 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази, Халқ таълими вазирлиги, Ташки ишлар вазирлиги
3.	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳузуридаги Таълим сифатини баҳолаш бўйича	1. Миллий марказни таълим соҳасида амалий-методик вайлмий-педагогик иш тажрибасига эга бўлган малакали ходимлар билан таъминлаш;	2018 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси,

Т/р	Тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
	халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий марказини (кейинги ўринларда Миллий марказ деб аталади) таълим соҳасида амалий-методик ва илмий-педагогик иш тажрибасига эга бўлган малакали ходимлар билан таъминлаш ва миллий марказнинг моддий-техник базасини муентазам равишда замон талаблари асосида янгилаб бориш.	2. Миллий марказнинг моддий-техник базасини муентазам равишда замон талаблари асосида янгилаб бориш.	2018 йил декабрь ойидан бошлаб доимий	Миллий марказ, Халқ таълими вазирлиги

II. Тадқиқот жараёнларининг ўқув-услубий таъминоти

4.	Халкаро тадқиқотларни жорий этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш.	<p>1. Тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда илмий тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда халқаро тадқиқотлар бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;</p> <p>2. Умумий ўрта таълим муассасаларидаги иқтидорли педагог кадрларни халқаро баҳолаш дастурлари бўйича илмий тадқиқотларга жалб қилиш.</p> <p>3. Халқаро баҳолаш дастурлари бўйича давлат илмий-техник дастурлари, халқаро илмий ташкилотлар грантлари танловлари, хўжалик шартномалари асосида самарали илмий фаолиятни ташкил этиш.</p>	<p>2018 йил декабрь ойидан бошлаб доимий</p> <p>2018 йил декабрь ойидан бошлаб доимий</p> <p>2018 йил декабрь ойидан бошлаб доимий</p>	Миллий марказ, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги
----	---	--	--	---

Т/р	Тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
5.	Мактаб ўқувчилари саводхонлигини шакллантириш бўйича илғор миллий ва халқаро тажрибаларни ўрганиш.	1. Ўқувчиларнинг ёзма саводхонлигини яхшилаш бўйича халқаро тажрибаларни ўрганиш; 2. Ўқувчиларнинг нутқ саводхонлигини ўстириш бўйича халқаро тажрибаларни ўрганиш; 3. Ўқувчиларнинг ёзма ва нутқ саводхонликларини ошириш бўйича илғор миллий ва халқаро тажрибаларни жорий этиш.	2018 йил декабрь ойидан бошлаб доимий	Миллий марказ, Халқ таълими вазирлиги
6.	Умумий ўрта таълим тизимида ўқиши, математика ва табиий йўналишдаги фанларни ўрганиш бўйича кўлланиладиган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни яратиш ва модернизация қилиш бўйича халқаро эксперталарни жалб қилган холда муаллифлар гурухларини шакллантириш.	1. Халқаро баҳолаш дастурлари асосида интеграциялаштирилган ўқиши, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни модернизация қилиш бўйича халқаро эксперталарни жалб қилган ҳолда муаллифлар гурухларини шакллантириш; 2. Халқаро баҳолаш дастурлари асосида интеграциялаштирилган ўқиши, математика ва табиий йўналишдаги фанларни ўрганиш бўйича кўлланиладиган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни яратиш; 3. Яратилган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни экспертизадан ўтказиш.	2018 йил декабрь – 2019 йил февраль	Миллий марказ, Халқ таълими вазирлиги, Ташки ишлар вазирлиги

Т/р	Тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
7.	Ўқувчиларнинг ўқиши, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан халқаро тадқиқотларга тайёргарлик кўришлари, шунингдек мустақил таълим олиши учун етарли шартшароитларни яратиш.	<p>1. Ўқувчилар мустақил таълим олишлари учун электрон шаклдаги таълимни ривожлантириш, унда ўқиши, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан халқаро тадқиқотлар бўйича саволлар базасини яратиш ҳамда бойитиб бориши;</p> <p>2. Ўқувчиларнинг ўқиши, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан халқаро тадқиқотларга тайёргарлик кўриш учун мустақил таълимни жорий этиши.</p>	<p>2018 йил декабрь ойидан бошлаб доимий</p> <p>2019 йил январь ойидан бошлаб доимий</p>	Халқ таълим вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Миллий марказ
8.	Ўқиши, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан заводхонликини ривожлантириш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб бориши.	<p>1. Кўрсатув, эшиттиришлар ва мақолалар сценарийларини шакллантириш;</p> <p>2. Кўрсатув, эшиттиришларни тайёрлаш, эфирга узатиш, мақолаларни чоп этиш ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириш.</p>	2018 йил декабрь ойидан бошлаб доимий	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Халқ таълими вазирлиги
9.	Халқаро тадқиқотларни амалга ошириш юзасидан таълим муассасаларида тегишли тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиши ҳамда халқаро тадқиқотлар тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилиб бориши.	<p>1. Халқаро тадқиқотларни амалга ошириш юзасидан малакали ўқитувчи-тренерлар билан ҳамкорликда худудларда ўқуввлар ташкил этиши;</p> <p>2. Халқаро тадқиқотларни амалга ошириш юзасидан каскад усулида ўкув семинарлари ўтказиш.</p> <p>3. Халқаро тадқиқотлар юзасидан таълим муассасалари ўқитувчилари ва</p>	<p>2018 йил декабрь ойидан бошлаб доимий</p> <p>2018 йил декабрь ойидан бошлаб доимий</p>	Халқ таълими вазирлиги, Миллий марказ, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси

Т/р	Тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
		<p>директорлари ҳамда ота-оналар ва ўқувчилар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;</p> <p>4. Халқаро тадқиқотлар юзасидан оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликни хабардор қилиб бориш.</p>		
10.	<p>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят марказлари ва Тошкент шаҳар ҳамда ҳар бир туман (шаҳар) да халқаро тадқиқотларни амалга оширишга йўналтирилган таянч мактабларни белгилаш.</p>	<p>1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят марказлари ва Тошкент шаҳар ҳамда ҳар бир туман (шаҳар) да халқаро тадқиқотларни амалга оширишга йўналтирилган таянч мактаблар манзилларини белгилаш;</p> <p>2. Таянч тадқиқот мактабларини ташкил этиш тўғрисида масъул ижрочиларнинг қўшма қарорини қабул қилиш;</p> <p>3. Таянч тадқиқот мактабларини халқаро тадқиқотларга доир методик кўлланмалар, ўқув адабиётлари билан таъминлаш.</p>	<p>2018 йил декабрь – 2019 йил февраль</p> <p>2018 йил декабрь</p> <p>2018 йил декабрдан бошлаб доимий</p>	<p>Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Миллий марказ</p>
11.	<p>Халқаро тадқиқотлар йўналишларидағи саволларни ўзида мужассам этган ўқув дастурлари асосида қўшимча методик кўлланма ва адабиётлар яратиш.</p>	<p>1. 7-синф ўқувчилари учун PISA халқаро баҳолаш дастури доирасида қўшимча методик кўлланма ва тавсияларни яратиш;</p> <p>2. 8-9-синф ўқувчилари учун PISA халқаро баҳолаш дастури доирасида қўшимча методик кўлланма ва тавсиялар яратиш;</p>	<p>2019 йил март</p> <p>2019 йил давомида</p>	<p>Халқ таълими вазирлиги, Миллий ахборот агентлиги, Миллий марказ</p>

Т/р	Тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
		<p>3. Бошлангич синф ўқувчилари учун PIRLS халқаро баҳолаш дастури доирасида қўшимча методик қўлланмана ва тавсиялар яратиш;</p> <p>4. Бошлангич ва ўрта синф ўқувчилари учун TIMSS халқаро баҳолаш дастури доирасида қўшимча методик қўлланмана ва тавсиялар яратиш.</p>	<p>2019 йил давомида</p> <p>2019 йил давомида</p>	
12.	Халқаро тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув адабиётлари мазмунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.	<p>1. Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув адабиётларини илғор хорижий давлатлар билан қиёслаш орқали ўрганиб чиқиш;</p> <p>2. Илғор хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув адабиётлари мазмунига босқичма-босқич ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.</p>	<p>2018 йил декабрь – 2019 йил январь ойи</p> <p>2019 йил декабрь ойидан бошлаб даврий равища</p>	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Миллий марказ
13.	Ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан халқаро тадқиқотлар йўналишларидағи саволлар миллий базасини яратиш ва ўқув дастурларига интеграция қилиш.	<p>1. Халқаро тадқиқотларда ўтган йилларда фойдаланилган саволлар мазмунини ўрганиб чиқиб, таҳлил қилиш;</p> <p>2. Саволлар мазмунини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида халқаро тадқиқотлар йўналишларидағи саволлар миллий базасини яратиш ҳамда ўқув дастурларига интеграция қилиш.</p>	<p>2018 йил декабрь ойидан бошлаб доимий</p>	Миллий марказ, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси

Т/р	Тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
14.	Ўқиши, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан ўқувчилар саводхонлигини баҳолашнинг миллий тизимини тақомиллаштириш ва 2019-2021 йилларда амалий кўникмаларини шакллантирилишини баҳолашга қаратилган синовларни тизимли равишда ўтказиб бориш.	1. Ўқувчилар саводхонлигини баҳолашнинг миллий тизимини тақомиллаштириш; 2. Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини шакллантирилишини баҳолашга қаратилган синовларни тизимли равишда ўтказиб бориш.	2018-2019 ўкув иили 2-ярим йиллигидан бошлаб	Миллий марказ, Халқ таълими вазирлиги
15.	Халқаро тадқиқотларга асосланган ҳолда ўқиши, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан ўқитишининг шакллари, методлари ва технологияларини янгилаш ва ўқитувчиларнинг бу борада хабардорлигини ошириш, тайёргарлигини кучайтириш бўйича малака ошириш курсларини ташкил этиш.	1. Илғор хорижий давлатларда ўқиши, математика ва табиий йўналишдаги фанларни ўқитишининг шакллари, методлари ва технологияларини ўрганиб чиқиш; 2. Илғор хорижий давлатлар тажрибасини жорий этиш бўйича ўқиши, математика ва табиий йўналишдаги фанлар ўқитувчилари учун қисқа муддатли малака ошириш курсларини ташкил этиш.	2018-2019 ўкув иили 2-ярим йиллигидан бошлаб жадвал асосида	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Миллий марказ, Ташқи ишлар вазирлиги
16.	Раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ марказларининг ўкув жараёнларига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни жалб қилиш учун халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;	1. Малака ошириш таълим муассасаларига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни жалб қилиш учун халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш; 2. Ҳамкорлик режаси асосида раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўкув	2018-2020 йилларда режа асосида	Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги

Т/р	Тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
		жараёнларига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни жалб қилиш.		
17.	Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо давлатлардаги нуфузли таълим ва илмий марказлар, ҳалқаро ҳамда хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга кўйиш.	1. Тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо давлатлардаги нуфузли таълим ва илмий марказлар, ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш; 2. Ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳалқаро тадқиқотлар бўйича конференциялар, учрашувлар, семинарлар ўтказиш.	2018-2020 йилларда	Миллий марказ, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ҳалқ таълими вазирлиги, Ташки ишлар вазирлиги
18.	Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида талабаларга ўқиш, математика ва табиий фанларни ўқитиши методикаси ўкув дастурларини ҳалқаро тадқиқотлар талабларига мослаштириш, битирувчи талабаларга умумий ўрта таълим муассасаларига ишга келишда мазкур йўналишда тайёр ҳолда келишларини таъминлаш.	1. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида ўқиш, математика ва табиий фанларни ўқитиши методикаси ўкув дастурларини ҳалқаро тадқиқотлар талабларига мослаштириш; 2. Битирувчи талабаларни умумий ўрта таълим муассасаларига ишга келишда ҳалқаро тадқиқотларга тайёр ҳолда келишларини таъминлаш.	2018-2019 ўкув иили 2-ярим йиллигидан бошлаб доимий	Миллий марказ, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ҳалқ таълими вазирлиги
19.	“Электрон таълим” тармоғи имкониятларидан фойдаланиш ва	1. “Электрон таълим” тармоғида ҳалқаро тадқиқотларга доир масофавий	2019 йилдан бошлаб доимий	Миллий марказ, Олий ва ўрта маҳсус

Т/р	Тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
	масофавий таълим турларининг амалиётга жорий этилганлигини инобатга олиб, олий таълим муассасаларида ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлар бўйича педагогик кадрларни тайёрлаш учун янгилangan ўкув дастурларини ишлаб чиқиш.	курсларни ташкил этиш; 2. “Электрон таълим” тармоғи имкониятларидан фойдаланган ҳолда масофавий таълим курслари яратилганлигини инобатга олиб, олий таълим муассасаларида ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлар бўйича педагогик кадрларни тайёрлаш учун янгилangan ўкув дастурларни ишлаб чиқиш.		таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги
20.	Ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлар бўйича дарсликлар ва ўкув-методик қўлланмалар (ўкув-методик мажмуаси: дарслик, машқлар тўплами, аудио ва видео материаллар, ўқитувчи китоби) ни электрон шаклда яратиш.	1. Ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлар бўйича дарсликлар ва ўкув-методик қўлланмаларни электрон шаклда яратиш; 2. Электрон шаклда яратилган ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлар бўйича дарсликлар ва ўкув-методик қўлланмаларни ахборот-таълим порталаига жойлаштириш.	2018-2019 ўкув ўили 2-ярим йиллигидан бошлаб жадвал асосида	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Миллий марказ
21.	Ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанларни ўрганиш бўйича кўргазмали қўлланмалар, топшириклар тўплами (шу жумладан, электрон шаклда), шунингдек, компьютер дастурлари маҳсулотларини яратиш ва таълим муассасаларини таъминлаш.	1. Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази билан биргаликда ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанларни ўрганиш бўйича кўргазмали қўлланмалар, топшириклар тўплами, шунингдек, компьютер дастурлари	2018-2019 ўкув ўили 2-ярим йиллигидан бошлаб жадвал асосида	Халқ таълими вазирлиги, Миллий марказ

Т/р	Тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
		маҳсулотларини яратиш; 2. Яратилган кўргазмали қўлланмалар, топшириклар тўплами ва компьютер дастурлари маҳсулотлари билан таълим муассасаларини таъминлаш.		
22.	Интернет жаҳон ахборот тармоғида таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга оширишга оид портални яратиш.	1. Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга оширишга оид электрон журнал ва Интернет порталини яратишга доир таклиф ва мулоҳазаларни ишлаб чиқиш; 2. Яратилган Интернет порталини контент билан тўлдиришга кўмаклашиш. 3. TALIS халқаро тадқиқоти сўровномаларини онлайн усулда ўтказиш бўйича ўқув-семинарларини ташкил қилиш.	2019 йил январь ойи	Миллий марказ, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги



Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 8 декабрдаги
997-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси
хузуридаги Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий марказининг
ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг умумий чекланган сони (техник в ахизмат кўрсатувчи ходимлар таркибидан ташқари) – 18 нафар.
Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони амалдаги меъёрлар асосида белгиланади.